



## СУДГА ТААЛУҚЛИЛИГИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ: МАЪМУРИЙ СУДЛАР МИСОЛИДА

Умаров Бахром Зокиржонович

Тошкент давлат юридик университети Маъмурий ва молия ҳуқуқи  
кафедраси кафедра катта ўқитувчиси

+998909833310

baxromumarov@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8314880>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>th</sup> August 2023

Accepted: 30<sup>th</sup> August 2023

Online: 31<sup>th</sup> August 2023

### KEY WORDS

Судловга тааллуқлилик,  
маъмурий суд, маъмурий-  
ҳуқуқий муносабат, суд  
амалиёти таҳлили

### ABSTRACT

Мазкур мақолада маъмурий суд ишларини юретишда судловга тааллуқлиликнинг айрим жиҳатлари ҳуқуқий тавсифининг таҳлили келтирилган. Шунингдек, судловга тааллуқлиликка оид қоидаларни маъмурий судлар амалиётида қўллаш юзасидан амалий мисол таҳлили келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши билан маъмурий ҳуқуқ соҳасида янги давр бошланди, десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонуни(бундан кейинги ўринларда МТТТҚонун[1]), Маъмурий суд ишларини юретиш тўғрисидаги кодексининг қабул қилиниши, 2017 йил 1 июндан маъмурий судлар жорий этилиши – ривожланган хорижий давлатлар стандартлари даражасида ҳамда миллий қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг энг замонавий қоидаларини мамлакатимизда жорий этди.

Мазкур мақолада мамлакатимиз тарихида илк мартаба жорий этилган маъмурий судлар ва Маъмурий суд ишларини юретиш тўғрисидаги кодекс(бундан кейинги ўринларда МСЮК деб юритилади)нинг судловга тааллуқлиликка оид таҳлили амалга оширилади.

Аввало таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони(21.02.2017 йил ПФ-4966) кўра, маъмурий судларга оммавий- ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилган эди.



Маъмурий судлар ўз табиатига кўра, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқишга қаратилган. Бироқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни жазолашга қаратилган бўлади. Жазо масаласи эса аслида жиноят ҳуқуқи предметиға яқин туради. Шунга кўра, маъмурий судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш мазкур судларнинг асл табиатига мувофиқ эмас эди.

Мазкур масала 2020 йил Давлат дастурида 2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилиши назарда тутилгани ва 2021 йил 1 январдан бошлаб амалда жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши орқали ўз ечимини топди.

Шунингдек, 2021 йилда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармонида ҳам белгилаб берилган эди. Жумладан, мазкур Фармонга кўра, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши назарда тутилди. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш белгиланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 8-февралдаги ЎРҚ-671- сонли Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 107-моддасига ҳам тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Лекин низоли ишларнинг судга тааллуқлилиқ масаласида ҳали баҳсли масалалар мавжуд деб ҳисоблаймиз. Қуйида шуларнинг айримлари хусусида фикр юритилади.

Биринчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар қоида тариқасида маъмурий суд иш юритувиға тааллуқли бўлиши лозим. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида 25-моддаси 1- қисми 1-бандида “иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тadbиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларға доир ишлар” иқтисодий судларға тааллуқлилиғи ўрнатилган. Бу эса маъмурий суд ишлари таллуқлилиғи билан номувофиқлилиқни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам иқтисодий судларға тааллуқли ишлар доирасидан маъмурий- ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларға доир ишларни чиқариш таклиф этилади[2].

Иккинчидан, Иқтисодий процессуал кодекс 27-боби ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш (215-222 моддалар) масаласи ҳам муаммоли масала ҳисобланади. Аслида ушбу тоифадаги ишлар мазмуниға кўра аксарият ҳолларда



маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган масалаларга оид бўлади. Жумладан, назорат қилувчи органлар мурожаати асосида фаолиятни тугатиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш, фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш кабилар аслида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган ишлардир. Чунки бунда маъмурий орган ва манфаатдор шахс ўртасида маъмурий-ҳуқуқий фаолият билан боғлиқ муносабатлар энг асосий аҳамият касб этади.

Ушбу ўринда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, маъмурий судлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоли ишларни кўриб чиқиши назарда тутилади. Бироқ, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда низосиз ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Яъни тадбиркорлик субъекти лицензия талаб ва шартларини қўпол тарзда бузганлиги фактини тан олса ва назорат қилувчи орган томонидан кўриладиган таъсир чорасига нисбатан эътирози бўлмаса, низо мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Шуни таъкидлаш ўринлики, гарчи низо мавжуд бўлмаса-да, амалдаги қонунчиликда бу тоифадаги ишлар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Фикримизча, аслида маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасидаги бу тоифадаги ишлар маъмурий судларга тааллуқли бўлиши мантиқан тўғри бўлади.

Бундан ташқари, маъмурий суд иш юритувида қоида тариқасида ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар аризачилар (МСЮК 40-моддаси) бўлиши мумкин. Бироқ, МСЮК 24-боби муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритишда судга тегишли давлат органи мансабдор шахси мурожаат қилади. Демак, маъмурий судга айрим истисноли ҳолларда маъмурий органлар ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Фикримизча, бу масалада ҳам энг асосий мезон ишнинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқаётганми ёки йўқми деган жиҳатига қараш тўғрироқ бўлади[2].

Бу борада И.М.Салимова ҳам ўз илмий ишида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низо ҳисобланмаслиги асослантирилиб, ушбу тоифадаги ишларни иқтисодий судлар ваколатидан маъмурий судлар ваколатига ўтказиш таклифи илгари сурилди. Чунки ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар соф маънода маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади ҳамда ушбу тоифадаги ишларда бир тараф сифатида, албатта, назорат функциясини амалга оширувчи давлат органи туради. Ушбу орган ўз назорат вазифаларини амалга оширишда муайян қонун бузилиш ҳолатини аниқласа ва бунинг учун тадбиркорлик субъектига муайян чора кўриш учун асос мавжуд деб топса, судга мурожаат қилади [3].



Учинчидан, маъмурий судлар амалиётида аслида икки фуқаро ўртасида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий низони маъмурий судда кўриб чиқиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Мисол учун, Қўшқўпир тумани, “Хайробод” қишлоғи, И.Б. фермерлар уюшмасининг 23.12.1999 йилдаги мажлис баённомасига асосан Э.Х.га турар жой қуриш учун 800 кв.м ер майдони ажратиш кўрсатилиб, Қўшқўпир туман ҳокимининг 27.03.2000 йилдаги 416-сонли қарори билан унга 800 кв.м ер майдони ажратилган.

Фуқаро Э.Х. юқоридаги қарорга асосан Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Қўшқўпир туман филиалига Қўшқўпир тумани, “Хайробод” қишлоғи, “Кўназей” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами 5 хонадан иборат (3 та яшаш хона, 1 та дахлиз, 1 та долон) турар жойга ўзининг номига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришни сўраб, мурожаат қилган.

Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Қўшқўпир туман филиалининг 30.11.2018 йилдаги 1141-сонли жавоб хатида, ушбу ер майдонига 2012 йилда фуқаро Б.А. (Э.Х.нинг тоғаси) номига инвентаризация ҳужжатлари тайёрлаб берилганлиги, ер майдони низоли бўлганлиги сабабли, ушбу масалани суд орқали ҳал этиши тушунтирилган.

Фуқаро Э.Х. судга мурожаат қилиб, Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Қўшқўпир тумани филиалига низоли турар жойга нисбатан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Қўшқўпир туман маъмурий судининг 20.12.2018 йилдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, мазкур ҳолатда икки фуқаро ўзаро низоли бўлган уй-жойни кимга тегишли эканлигини маъмурий суд иш юритуви орқали аниқлаштириб беришни талаб қилмоқда. Бунинг учун эса кадастр органи ҳаракатларидан норози бўлиб ариза билан судга мурожаат қилинмоқда. Лекин кадастр органи низоли уй-жойни кимга тегишлилигини аниқлаштириб беролмайди ва ноаниқ (низоли) масалада уй-жойни расмийлаштириб бериш бўйича маълум бир ҳаракатларни ҳам амалга ошира олмайди.

Демак, бу масалада тарафлари иккита фуқаро бўлган уй-жой низоси фуқаролик ишлари бўйича суднинг судловига тааллуқли бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, маъмурий судлар тизимидаги янгиликларнинг амалиётга жорий этилиши билан судьялар мустақиллиги янада кучаяди, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ошади, пировардида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари ҳимояси кучаяди. Бу борада маъмурий судга тааллуқли ишларнинг аниқ доирасининг шаклланиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, маъмурий судлар қонун устуворлиги, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим кафолатига айланиб боради.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги ЎРҚ-457-сон қонуни (Кучга кириш санаси 10.01.2019. Қонун



хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018. – 03/18/457/0525-сон). (Law of the Republic of Uzbekistan "On administrative procedures" of January 8, 2018 No. ZRU-457 (Effective date 10.01.2019. National database of legislation, 09.01.2018.)

2. Нематов Ж. Маъмурий суд иш юритувида судловга тааллуқлилик // Одиллик мезони. – 2020. – № 6. – Б. 48–51. (Nematov J. Jurisdiction in administrative proceedings // Criteria of justice. - 2020. - № 6. - P. 48–51.)

3. Салимова Ирода Мамаюсуфовна. Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги (назарий-хуқуқий ва процессуал жиҳатлари). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати (12.00.04). Тошкент. 2020. (Salimova Iroda Mamayusufovna. Jurisdiction of economic disputes (theoretical-legal and procedural aspects). Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) (12.00.04). Tashkent. 2020.)

[https://tsul.uz/files/avtoreferat/salimova\\_iroda\\_mamayusufovna.pdf](https://tsul.uz/files/avtoreferat/salimova_iroda_mamayusufovna.pdf)

4. Abdusattarova D., Yusupov S. Improvement of Organizational and Judicial Frameworks of State Bodies with Appeals of Legal and Physical Entities //Архив научных исследований. – 2019.

5. Yusupov S. B. The right to the treatment and its evolution //European Journal of Humanities and Social Sciences. – 2016. – №. 1. – С. 72-73.

6. Yusupov S. B. THE ESSENCE AND ACTIVITY OF THE INSTITUTE OF THE TREATMENTS OF PHYSICAL AND LEGAL ENTITIES IN STATE BODIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Theoretical & Applied Science.

7. – 2015. – №. 11. – С. 140-143.

8. Юсупов С. Б. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО- ПРАВОВЫХ ОСНОВ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРАВОВОЙ ПОЛИТИКИ СО СТОРОНЫ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ НА МЕСТАХ //Review of law sciences. – 2020. – №. 4.

9. Юсупов С. Б. Институт обращений физических и юридических лиц в Узбекистане: развитие и современное состояние //Государственная власть и местное самоуправление. – 2017. – №. 5. – С. 36-38.